



فریدون همتی استاندار قزوین در دیدار مدیران سازمان اقتصادی کوثر با بیان این مطلب اظهار داشت....

همتی با اشاره به برنامه ها و اولویت های مدیریت ارشد استان در خصوص ساماندهی و مدیریت آب بیان کرد

Юқоридаги мисолда ҳам мақоланинг бошида атоқли от тўлиқ шаклда, кейинги қаторларида фақат фамилияни англадиб келмоқда.

в) Ой номлари. Газета матнларида ҳам милодий, ҳам ҳижрий йил, ой номларини англадиб келган атоқли отлар учрайди. Эронда ҳижрий йил ҳисоби бўлгани сабабли мамлакат ичидаги воқеа-ҳодисалар шарҳида шамсий ва қамарий ойлар, халқаро саҳнада юз бераётган воқеалар ривож билан таништириш жараёнида милодий ой номларини англадиб келган атоқли отлар қўлланади.

در ماه اوریل، رئیس جمهور اوپاما رهبران جهان را برای شرکت در اجلاس امنیت هسته ای به واشتنن دعوت کرد

نخستین کنفرانس صادرکنندگان ایران، با حضور مسئولان، صاحب نظران، بازرگانان، تجار و نمایندگان بیش از 700 شرکت کوچک و متوسط ایرانی 16 بهمن در تهران برگزار خواهد شد

От сўз туркуми ўзида предмет маъносини ўз ичига олган бўлиб, бу маъноларсиз бирор фикрни ифодалаш мумкин эмас, шу сабабли от сўз туркумининг қўлланиши нутқ фаолиятининг асосий шарт саналади. Китобий услуб – расмий, илмий, публицистик услубларда от сўз туркумига мурожаат қилиш бошқа услубларга нисбатан устун саналади. Чунки ташкилот, шахс, фаолиятни номлашда отга мурожаат қилиш бу услубларга хос хусусиятдир.



ЭРОН ВА АФҒОН ТИЛШУНОСЛАРИНИНГ ГРАММАТИК АСАРЛАРИДА СЎЗ ТУРКУМЛАРИ ТАСНИФИ МАСАЛАСИ

ЎКТАМОВА ҲИЛОЛА

Тадқиқотчи, ТошДШИ

Аннотация. Мақолада XX асрда Эрон ва Афғонистонда машҳур тилшунослар томонидан яратилган, форс ва дарий тиллари грамматикасига бағишланган асарларда келтирилган сўз туркумларини таснифлаш бўйича билдирилган тилшуносларнинг фикрлари қиёсий таҳлил қилинди.

Таянч сўз ва иборалар: сўз туркумлари, тасниф, семантика, сўз.

Аннотация. В статье проанализирован сравнительный анализ взглядов лингвистов на классификацию фраз в XX веке, опубликованный известными учеными в Иране и Афганистане, посвященный персидской грамматике и языка дари.

Опорные слова и выражения: части речи, классификация, семантика, слово.

Abstract. The article analyzes the comparative analysis of linguists's opinions on the classification of words in the works of 20th-century scholars in Iran and Afghanistan, dedicated to Persian and Dari grammar.

Keywords and expressions: part of speech, classification, semantics, word.

XX асрда дарий тили Афғонистоннинг расмий тилларидан бири сифатида белгиланиб, форс тилидан батамом мустақил тил сифатида ажралиб чиққанидан сўнг, бу икки тил грамматикасида ҳам айрим тафовутлар яққол кўзга ташланиб қолди. Мазкур мақолада форс ва дарий тилларида сўзларни туркумларга таснифлашдаги умумийлик ва фарқларни очиб бериш мақсад қилиб белгиланди.

Техрон университетининг беш нафар профессори А. Ғариб, М. Баҳор, Б. Форузанфар, Ж. Ҳумойи ва Р. Ёсамий томонидан яратилган “*دستور زبان فارسی*” *Dastur-e zabān-e fārsi* (“Форс тили грамматикаси”¹) асарида муаллифлар сўз туркумларини тўққизтага ажратишган: от (اسم *esm*), сифат (صفت *sefat*), олмош (ضمير *zamir*), сон (عدد *adad*), феъл (فعل *fe’l*), равиш (قيد *qeyd*), олд кўмакчи (حرف اضافه *harf-e ezāfe*), боғловчи (حرف ربط *harf-e rabt*), ундов (صوت *sout*).

Ҳумоюн Фаррух “*دستور جامع زبان فارسی*” *Dastur-e jāme’ zabān-e fārsi* (“Форс тилининг тўлиқ грамматикаси”) китоби²да олти сўз туркумини келтирган: от (اسم *esm*), сифат (صفت *sefat*), олмош (ضمير *zamir*), феъл (فعل *fe’l*), равиш (قيد *qeyd*), ёрдамчи сўзлар (حروف *horuf*). Муаллиф таснифда сон ва ундовни сўз туркуми сифатида ажратмаган, кўмакчи ва боғловчи эса бир гуруҳ (حروف *horuf*) га бирлаштирилган.

Абдурашул Хайёмпур “*دستور زبان فارسی*” *Dastur-e zabān-e fārsi* (“Форс тили грамматикаси”) китоби³да олти сўз туркумини ажратиб кўрсатган: от (اسم *esm*), сифат (صفت *sefat*), феъл (فعل *fe’l*), равиш (قيد *qeyd*), ёрдамчи сўзлар (شبه جمله *šebh-e jomle*), ундов (صوت *sout*). Унинг таснифида олмош ва сон сўз туркуми сифатида ажратилмаган. У сонларни санок сифатлар (صفت شماری *sefat-e šomareši*) таркибида таърифлаган. Муаллиф сонларни мустақил сўз туркуми сифатида ажратишга ҳеч қандай сабаб йўқ, деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, форс тили сўз туркумларини таснифлашда уларни фақат гапдаги вазифаларидан келиб чиқилади. Хайёмпур сўз туркумларини таснифлашда асос сифатида морфологик, семантик ва сўз ясовчи белгиларни четга сурган ҳолда, фақат синтактик мезонни олади.

Машҳур олим Парвиз Нотел Хонларий “*دستور زبان فارسی*” *Dastur-e zabān-e fārsi* (“Форс тили грамматикаси”) асари⁴да саккизта сўз туркумини ажратиб кўрсатган: от (اسم *esm*), сифат (صفت *sefat*), олмош (ضمير *zamir*), феъл (فعل *fe’l*), равиш (قيد *qeyd*), кўмакчи (حرف اضافه *harf-e ezāfe*), боғловчи (حروف ربط *horuf-e rabt*), ундов (اصوات *osvāt*). Муаллиф сўз туркумларини таснифлашда синтактик меъёрларга асосланган. У сўз туркумларига гап бўлаклари орқали ифодаланувчи сўз сифатида қараган.

Аббосали Мавлавий “*دستور زبان فارسی*” *Dastur-e zabān-e fārsi* (“Форс тили грамматикаси”) асари⁵да олти сўз туркумини ажратиб кўрсатган: от (اسم *esm*), сифат (صفت *sefat*), феъл (فعل *fe’l*), равиш (قيد *qeyd*), ёрдамчи сўзлар (حروف *horuf*), ундов (شبه جمله *šabh-e jomle*). Муаллиф олд кўмакчи ва боғловчиларни ёрдамчи сўзлар (حروف *horuf*) таркибига киритган.

Кейинчалик эса Ҳасан Анзалий⁶, Меҳди Муъиниён⁷, Аҳмад Гивий ва Ҳасан Анварий⁸, Ҳабибуллоҳ Омузгор ва Масъуд Заъферонжий⁹ нинг ишларида еттита сўз туркуми ажратилганини кўриш мумкин: от (اسم *esm*), сифат (صفت *sefat*), феъл (فعل *fe’l*), олмош (ضمير *zamir*), равиш (قيد *qeyd*), ёрдамчи сўзлар (حروف *horuf*) ва ундов (اصوات *osvāt*).

А. Хайёмпур, П. Н. Хонларий ва А. Мавлавий сингари XX асрнинг 70–80 йиллар тилшунослари олмошни мустақил сўз туркуми сифатида эътироф этишни маъқул кўрмадилар. Рус

1. ملک الشعرا بهار، بدیع الزمان فروزانفر، عبدالعظیم غریب، جلال همایی، رشید یاسمی. دستور زبان فارسی برای سال اول و دوم دبیرستانها. 1328–1329

2. عبدالرحیم فرخ همایون. دستور جامع زبان فارسی. تهران، 1339

3. خیامپور ع. دستور زبان فارسی چاپ دوم. تبریز، 1334

4. پرویز ناتب خانلری. دستور زبان فارسی. تهران، 1351.

5. عباس علی مولوی. دستور زبان فارسی. تهران، 1360.

6. حسن انزلی. دستور زبان فارسی. ارومیه، 1371

7. مهدی معنیان. دستور زبان فارسی با تجزیه و ترکیب قدم به قدم به همراه تعریف انواع شعر و بعضی از صنایع ادبی. تهران، 1372

8. حسن انوری و احمد گیوی. دستور زبان فارسی. تهران، 1372.

9. مسعود زعفرانچی و حبیبالله آموزگار. فرهنگ دانش فارسی. تهران، 1369.

эроншунос олими Ю. Рубинчик сингари тилшунослар олмошнинг ҳам мустақил сўз туркуми сифатида тан олиниши кераклигини уқтирган. Ҳанузгача аксарият тилшунослар сонни ҳам сўз туркуми деб ҳисоблашмайди, уни санок сифат деб таъкидлашади.

Эрон тилшуносларининг асарларида сўз туркумлари таснифи¹

Сўз туркумлари	Беш профессор (1949-1950)	Ҳумоюн Фаррух (1960)	Машкур (1969)	Хайёмпур (1974)	Хонларий (1976)	Мавлавий (1981)	Ҳасан Анварий ва Аҳмад Гивий
От	اسم	اسم	اسم	اسم	اسم	اسم	اسم
Сифат	صفت	صفت	صفت	صفت	صفت	صفت	صفت
Феъл	فعل	فعل	فعل	فعل	فعل	فعل	فعل
Олмош	كنايه	ضمير	كنايه	-	-	-	ضمير
Равиш	قيد	قيد	قيد	قيد	قيد	قيد	-
Сон	عدد	-	عدد	-	-	-	-
Кўмакчи	حرف اضافه	حروف	حرف اضافه	حروف	حرف اضافه	حروف	حرف اضافه
Боғловчи	حرف ربط	حروف	حرف ربط	حروف	حرف ربط	حروف	حرف ربط
Ундов	صوت	-	اصوت	شبه جمله	اصوت	شبه جمله	شبه جمله

Тилшуносларнинг сўз туркумлари таснифини кўздан кечирганимизда куйидагилар маълум бўлди: Ҳумоюн Фаррух сон ва ундовни ажратмаган, олд кўмакчилар ва боғловчилар битта гуруҳ (حروف *horuf*)га жамланган.

А. Хайёмпур ва А. Мавлавий эса олмош ва сонни ажратмаган, лекин ундовни ажратган, улар ҳам олд кўмакчилар ва боғловчиларни битта гуруҳ (حروف *horuf*)га киритишган.

Эрон тилшунослари доим таъкидлайдиган муаммолардан бири – бу сўз туркумлари орасида аниқ чегаранинг йўқлиги. Сифат ва равиш сўз туркумларининг аралашиб кетгани бирмунча қийинчиликларни келтириб чикаради. Аҳмад Гивий ва Мехди Муъиниён каби олимлар равиш (قيد واقع *qeyd-e vāqe*)га айлантириб бўлмайдиган мутлақ сифатлар (صفت مطلق *sefat-e motlaq*)ни ажратишнинг иложи йўқ деб ҳисоблайди.

А. Хайёмпур сўз туркумларини ажратишда сўзларнинг фақат предикативлик (اسناد *esnād*)ни ҳосил қилишдаги мақсади (غرض *ğaraz*)дан, яъни сўзларни гапдаги вазифасидан келиб чиқиш кераклигини айтади. Бу йўл форс тилида бир-биридан фарқ қилувчи, мустақил аниқ ажратилган олти сўз туркумини ажратиш керак, деган фикрга олиб келди. Шундай қилиб, А. Хайём-

¹ Жадвални тузишда Н. А. Муҳамедованинг “Классификация частей речи персидского языка в работах иранских грамматистов” мақоласидан фойдаланилди. Бу ҳақда қаранг. Муҳамедова Н.А. Кўрсатилган мақола// Восточное языкознание. Сборник научных трудов. – Т.: ТашГУ, 1990. – С. 21–28.

пур, қолаверса, А. Хумоюн Фаррух, Жавод Машкур, Парвиз Нотел Хонларий ва қисман А. Мавлавий ўз таснифларига фақат синтактик мезонни асос қилиб олишган.

П. Н. Хонларий ҳам гап бўлаклари таснифида синтактик мезонга асосланган. У грамматик очеркини одатдагидек гап бўлакларидан эмас, гап ва унинг бош бўлакларидан бошлайди. Муаллиф дастлаб гап бўлакларини таҳлил қилиб, сўнг гап таҳлилига ўтиш тўғри деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, бу янги усул мантикий ва илмий мунтазамликка олиб келиб, тилни ва турли тарқоқ мавзуларни ўрганишда тўсқинлик яратмайди.

Меҳди Муъиниён Хумоюн Фаррух каби отлар (اسم عام *esm-e 'ām*)нинг орасидан белги-хусусият отлари (اسمهای صفاتی *esmhā-ye sefatī*) гуруҳини ажратди. Уларни, яъни белги-хусусият отлари от каби сифат, ҳолат, вазият, ўлчовини билдиради. Масалан: بزرگ *bozorg* “катта” – کوچک *kuček* “кичик”.

Бошқа олимлар ҳам форс тилида от ва сифат сўз туркумларини ажратишда аниқ чегара йўқлигини таъкидлайди. А. Хайёмпур ҳам ўз китобида, Ҳасан Анзалий ҳам ўзининг Эрон олий ўқув юртларига кириш тестларига шарҳлар ёзилган дарслигида сифатлар баъзида отларнинг ўрнини ва аксинча, отлар сифатнинг ўрнини эгаллашини айтиб ўтган¹. Ҳабибуллоҳ Омузгор ва Масъуд Заъфаронжий луғатларда ҳам форсча сифатлар отлар билан ўрин алмашиш хусусиятини таъкидлайди²; бу турдаги сўзлар луғатда махсус белгилар билан ажратилган. Лекин Аҳмад Гивий ва Ҳасан Анварий бу муаммога тўхталмаган.

Аксарият эронлик олимларнинг бу ҳақдаги фикрлари форс тилида кўп учрайдиган отларнинг сифатлар ўрнида қўлланилишига тегишли. Лекин ҳеч қайси олим форс тилида сўзлар семантика жиҳатидан ҳам от, ҳам сифат сўз туркумига (جوان *javān* “ёш” ва “йигит”, پیر *pir* “қария” ва “кекса”, خردمند *xerdmānd* “донишманд” ва “доно” кабилар) тааллуқли эканлиги ҳақида фикр юритмаган.

Эрон тилшунослари ўз асарларида яна бир муҳим масалалардан бири – форс тилида равиш сўз туркумини от, сифат ва олмош сўз туркумларидан ажратишдаги қийинчиликни айтиб ўтади. Бу масалага собиқ Иттифоқ даврида биринчи бўлиб Л. И. Жирков эътибор қаратган³, Ўзбекистонда эса Н. А. Мухамедова “Классификация частей речи персидского языка в работах иранских грамматистов” номли мақола⁴ ёзган.

А. Хайёмпурнинг таъкидлашига кўра, олмошни от ва равишдан ажратиш бўлмайди. Чунки бир сўз ҳам от, ҳам олмош бўлиб келиши мумкин бўлганидек, гапдаги вазифасига кўра равиш ва олмош бўлиб келиши ҳам мумкин.

Хумоюн Фаррухнинг форс тилида бир нечта ҳам от, ҳам равиш сўз туркумига (شب *šab* “тун” ва “тунги”, روز *ruz* “кун” ва “кундузги”), ҳам сифат, ҳам равиш сўз туркумига (پاک *pāk* “тоза”, سخت *saxt* “қийин”) мансуб умумий равишлар (قيد مشترک *qeyd moštarak*) борлигини қайд этган.

Меҳди Муъиниённинг айтишича, ҳозирги форс тилида равиш сифат билан “умумий” (قيد مشترک *qeyd moštarak*): صبح *sobh* “тонгда” ва “тонгги”, عصر *asr* “кечки”, مشکل *moškel* “қийин”.

А. Мавлавийнинг фикрича, “умумий” равиш – бу равиш ва бошқа сўз туркумлари орасида турувчи равиш. Равишни олмошдан қатъий чегара билан ажратиш муаммосини А. Хайёмпур ҳам таъкидлаган: کجا *kojā* қаерда, کی *key* қачон ва бошқалар.

¹ حسن انزلی. دستور زبان فارسی. ارومیه، 1992.

² دکتر مسعود زعفرانچی و حبیب الله آموزگار. فرهنگ دانش فارسی. تهران، 1990.

³ Жирков Л. И. Персидский язык. Элементарная грамматика. – М., 1927.

⁴ Мухамедова Н. А. Классификация частей речи персидского языка в работах иранских грамматистов. Восточное языкознание. Сборник научных трудов. – Т., 1990.

Афғон тилшуносларининг асарларини таҳлил қилишдан аввал шуни айтиб ўтиш жоизки, улар Эрон тилшуносларидан фарқли равишда сўзларни икки гуруҳга мустақил (کلمه مستقل *kalema-ye mostaqel*) ва мустақил бўлмаган – ёрдамчи сўзлар (يا کلمه نامستقل کلمه بسته *kalema-ye nâmostaqel yâ kalema-ye basta*)га бўлиб ўрганади. Юқорида келтирилган маълумотларда Эрон тилшунослари кўмакчи, юклама ва боғловчиларни, умумий қилиб айтганда, ёрдамчи сўзларни сўз туркуми деб ҳисоблаган бўлсалар, афғон тилшунослари уларни мустақил бўлмаган сўзлар таркибида ўрганадилар. Афғон тилшуносларининг фикрича, ёрдамчи сўзлар мустақил келганда ҳеч қандай маъно билдирмайди.

Афғон тилшуносларининг грамматик асарларида сўз ва гап таҳлили алоҳида фаслларда таҳлил қилинган бўлса-да, уларда ҳам баъзи жойларда морфология ва синтаксиснинг ёнма-ён келган ҳолларини кўриш мумкин. Баъзи сўз туркумларининг турларини ажратишда уларнинг гапдаги вазифасидан келиб чиққанлиги яққол кўзга ташланади.

Афғонистон маориф вазирлигида 1967 йилда Абдулҳабиб Ҳамидийнинг “دستور زبان دری” *Dastur-e zabân-e dari* (“Дарий тили грамматикаси”) китоби¹ нашр этилди. Ушбу китоб гарчи хатолардан холи бўлмаса-да, дарий тили равнақиға катта ҳисса қўшди. Ушбу китобнинг муваффақияти шунда эдики, Абдулҳабиб Ҳамидий дарий ва форс тилларининг ўзаро муносабати: ўхшаш ва фарқли жиҳатларини талаффуз, феълнинг анилитик шакллари ёритилган илк китоб эди. Китоб ўзида дарий тилининг умумий масалаларини ўзига хос тарзда изоҳлаб берган.

Дарий тилини ўрганишда 1969 йилда нашр этилган Муҳаммад Насим Негҳат Саидийнинг “دستور معاصر زبان دری” *Dastur-e mo’âsser-e zabân-e dari* (“Дарий тилининг замонавий грамматикаси”) китоби² муҳим босқич бўлди. М.Н. Негҳат Саидий ҳам муаллиф, ҳам педагог сифатида талабаларни тўғри ўқиш ва ёзишга ўргатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Муаллиф ушбу китобида гап ва гап таркиби, яъни сўз туркумлари ҳақида сўз юритади. Сўзларни икки турга ажратади: мустақил ва мустақил бўлмаган сўзлар. Сўз туркумларини учга бўлади: феъллар гуруҳи (گروه فعلها *goruh-e fe’lhâ*); равишлар гуруҳи (گروه *goruh-e qoyud*); исмлар гуруҳи (گروه اسمها *goruh-e esmhâ*). Равишлар гуруҳига ҳолат (قيد *qayd-e hâlat*), замон (قيد زمان *qayd-e zamân*), макон (قيد مکان *qayd-e makân*), миқдор (قيد مقدار *qayd-e meqdâr*) ва сўрок (قيد پرسشی *qayd-e porseši*) равишларини, исмлар гуруҳига от (اسم *esm*), олмош (ضمير *zamir*), сифат (صفت *sefat*)ни киритади.

Шунингдек, китобда сўз турлари ва сўз ясалишига бағишланган боб ҳам мавжуд. Муаллиф сўзни содда ва қўшма сўзларга ажратади ва уларга таъриф беради. Ўз ўрнида мураккаб сўзларнинг беш турини ажратиб кўрсатади: аралаш мураккаб, такрор мураккаб, боғловчили мураккаб, иккита турлича сўздан иборат мураккаб сўз ва боғланган мураккаб сўзлар.

Мазкур китоб дарий тили грамматикасини ўрганишда назарий асос бўлиб хизмат қилади. Сабаби, китоб содда ва раван тилда ёзилган бўлиб, дарий тилини энди ўрганаётган ўқувчилар учун тушунарли ҳамда сўз ва гап, сўз туркумлари ҳақида барча маълумотларни қамраб олганлиги билан диққатга сазовор. Мазкур асарнинг камчилиги шундаки, морфология ва синтаксис соҳалари алоҳида ажратилмаган. Гарчи маълумотлар кетма-кет келса ҳам, ўқувчи ўқиётган нарсаси морфологияга тегишлими ёки синтаксисгами, аниқ била олмайди.

1970 йилда Муҳаммад Раҳим Илҳомнинг “دستور زبان دری” *Dastur-e zabân-e dari* (“Дарий тили грамматикаси”) китоби³ нашр этилди. Мазкур асар кенг қамровлилиги билан ўзига

¹ عبدالحيب حمیدی. دستور زبان دری. کابل، 1344.

² محمد نسیم نگهت سعیدی. دستور معاصر زبان دری. کابل، 1348.

³ محمد رحيم الحام. دستور زبان دری. کابل، 1349.

хос. Асарда тил ҳақида умумий маълумот, тил сатҳлари, фонология, синтаксис ва морфология ҳақида сўз боради. Асарнинг эътиборли жиҳати шундаки, муаллиф араб ва Ғарб тилшунослиги, тилшунослик соҳалари, йўналишлари ҳақида ҳам сўз юритган. Бундан ташқари, тилнинг мураккаб соҳаси ҳисобланган фонетика ҳам мукамал ёритиб берилган. Ҳаттоки, китобда лаҳжалар географияси ва луғатчилик борасида ҳам маълумотлар келтирилган. Муаллиф морфемаларни жуда синчковлик билан ўргангани унинг келтирган изоҳ ва шарҳларидан яққол сезилиб туради. Морфология қисмида сўз туркумлари, уларнинг ясалиш усуллари ҳам алоҳида мавзу қилиб берилган. Бу эса, ўз навбатида, ишнинг қийматини оширган. Китоб ҳажми унча катта бўлмаса-да (170 бет), керакли ва қимматли назария ва фикрларга бой. Синтаксис бўлимида эса гап турлари, уларнинг структураси, сўз бирикмалари, қўшма гапни боғлашга хизмат қилувчи боғловчилар ҳақида атрофлича маълумот келтирилган. Муаллиф сўз туркумларини уч турга ажратиб кўрсатади: феъллар (فعلها *fe'lhâ*), исмлар (اسمها *esmhâ*) ва равишлар (فيود *qoyud*). Муаллиф М. Н. Негҳат Саидийдан фарқли равишда исмларга ундов (اصوات *oswât*)ни ҳам киритади.

1976 йилда чоп этилган Муҳаммадуллоҳ Лутфнинг “دستور زبان دری، نحو” *Dastur-e zabân-e dari, nahv* (“Дарий тили грамматикаси, синтаксис”) асари¹ дарий тили синтаксисига бағишланган. Ушбу асарда муаллиф гап, унинг турлари: содда гап, қўшма гап: боғланган қўшма гап, эргаш гап, аралаш гап, боғловчисиз қўшма гап, гап бўлаклари: кесим, эга, тўлдирувчи, аниқловчи, хол ва ўз ўрнида уларнинг турлари ҳақида атрофлича ва батафсил маълумот берган. Асар содда ва раван тилда ёзилган бўлиб, ўқувчига қийинчилик туғдирмайди.

1986 йилда Муҳаммад Ҳусайн Яминнинг “دستور زبان دری، صرف. فونولوجی و مورفولوجی” *Dastur-e zabân-e dari, sarf. Fônôluji wa môrfôluji* (“Дарий тили грамматикаси, морфология. Фонология ва морфология”) китоби² нашр этилди. Асар олти фаслга бўлинган бўлиб, биринчи фасли тил ва тилшуносликка, иккинчи ва учинчи фасллари фонология ва фонетикага, тўртинчи фасли морфологияга бағишланган бўлиб, у сўз туркумларининг уч турини ажратиб кўрсатган: феъл гуруҳи (گروه فعل *goruh-e fe'l*); равишлар (فيود *qoyud*); исм гуруҳи (گروه اسم *goruh-e esm*). У исм гуруҳига от (اسم *esm*), сифат (صفت *sefat*), олмош (ضمير *zamir*) ва сон (عدد *adad*)ни, равишларга ҳолат (حالت *hâlat-e qayd*), замон (قيد زمان *qayd-e zamân*), макон (قيد مکان *qayd-e makân*), микдор (قيد مقدار *qayd-e meqdâr*), таъкид (قيد تاكيد *qayd-e tâkêd*) ва бошқа равишларни киритади, бешинчи фасли сўз ясалишига, олтинчи фасли эса грамматикани таҳлил қилишга бағишланган. Муаллиф ўз асарида юқорида келтирилган мавзулар бўйича турли фикрлар мавжудлигини айтиб, ўз фикрини билдиради. Ҳар бир фасл сўнгида мавзу тўла ёритилиб бўлингач, ўз хулосаларини билдириб, мавзу юзасидан саволлар ҳам келтириб ўтган. Асарда фонемалар улар талаффузи ва транскрипцияси жуда яхши ёритиб берилган. Ўз замонаси учун яхши қўлланма ҳисобланган. Олтинчи фаслда гап қандай таҳлил қилиниши юзасидан кўрсатмалар берилган. Ушбу кўрсатмалар бошқа асарларда учрамайди.

1997 йилда Муҳаммад Ҳусайн Яминнинг яна бир “دستور تاریخی زبان دری فارسی” *Dastur-e târîxi-ye zabân-e fârsi-ye dari* (“Форси-ёе дарий тилларининг тарихий грамматикаси”) китоби³ нашр этилди. Китоб мофологияга бағишланган, муаллиф бунда турли даврларда ижод қилган шоирларнинг асарлари асосида сўз туркумларини таҳлил қилади.

¹ محمدالله لطف. دستور زبان دری. نحو. کابل، 1355.

² حسین یمین. دستور زبان دری صرف فونولوجی و مورفولوجی. کابل، 1365.

³ دکتور محمد حسین یمین. دستور تاریخی زبان فارسی دری. کابل، 1376.



Афғон тилшуносларининг асарларида сўз туркумлари таснифи

Сўз туркумлари	М. Н. Негхат Саидий 1969 йил	Муҳаммад Раҳим Илҳом 1970 йил	Ҳусайн Ямин 1986 йил
Исмлар гуруҳи			
Феъллар гуруҳи	Груҳе فعلها	فعلها	Груҳе فعل
Равишлар гуруҳи			

Юқорида келтирилган фикрларни умумлаштирган ҳолда хулоса қилиб айтиш мумкинки, грамматик асарлардаги умумийлик ва фарқлар қуйидагиларда кузатилди:

1. Эрон ва афғон тилшуносларининг асарларида от, феъл, равиш мустақил сўз туркуми сифатида аниқ ажратилган.

2. Грамматик асарларда морфология ва синтаксис ўртасида қатъий чегара йўқ: от билан эга, равиш билан ҳол бирга аралаш ёритилади.

3. Эрон тилшуносларининг асарларида сўз туркумлари мустақил ва ёрдамчи сўзларга ажратилмайди. Афғон тилшуносларининг асарларида эса мустақил ва ёрдамчи сўзларга ажратилган.

4. Афғон тилшунослари асарларида сифат, олмош, сонни от таркибида ўрганилади. Чунки булар исмий сўз туркумлари деб ҳисобланади.

5. Афғон тилшунослари равишни ҳолнинг гапдаги вазифасидан келиб чиққан ҳолда бир неча турларга бўлиб таҳлил қилади. Масалан, пайт, замон ва бошқа ҳол турлари каби.

